

## ИМКОНИЯТЛАР УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

Давлатимиз мустақиллиги қўлга киритилган улуғ санадан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Абдуганиевич Каримов мамлакат равнақи учун улкан бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Аммо у кишининг истиқлол қўлга киритилмасдан олдинги жасоратларини қаламга олмасдан иложимиз йўқ. Қайта қуриш даврида Республика буткул ботқоққа ботган вазиятда И. А. Каримов 1991 йил 31 августда Ўзбекистонимизни мустақил Ўзбекистон Республикаси деб эълон қилди ҳамда давлат суверенитетини мустаҳкамлаб қўйди. Ташқи кучларнинг кўрсатган разилликлари: 1989-1991 йиллардаги кўпоровчилик авжига чиққан маҳалда тўғри йўлга бошлаган, мустақилликка эришишда улкан жасорат кўрсатган Президентимизнинг охирашлари обод бўлсин!

Энг буюк шунинг билан бирга энг оғир қадам босиб ўтилди. Энди Ўзбекистон – Мустақил Республика. Унинг суверенитети, давлат рамзлари, сарҳадлари дахлсиз экани Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган. Ана шу муқаддас қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Давлат Конституцияси ишлаб чиқилишида ҳам Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг хиссаси каттадир. Кейинги йилларда мана шу Конституцияга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган қонунлар, фармонлар, фармойишлар халқимиз ҳаётини яхшилашга, индустриал сохани ривожлантиришга, умумий ҳисобда, халқ фаровонлиги йўлига хизмат қилмоқда.

Мисол тариқасида шуни айтишимиз мумкинки, Ҳозирда биз таҳсил олаётган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 апрель ПҚ 1116 сонли “Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қарори” билан ташкил этилган. 2009 йилдан 1994 йилга қайтадиган бўлсак, Автосаноат соҳасида йўлга қўйилган улкан бунёдкорлик лойиҳасига дуч келамиз. Андижон вилоятининг Асака шаҳрида автомобиль ишлаб чиқариш учун мўлжалланган завод қурилиши бошланди ва 1996 йилда битказилиб фойдаланишга топширилди. Ўша пайтдан бошлаб то ҳозирги кунга қадар фуқароларимизнинг узоғини яқин қиладиган шунингдек хорижий мамлакатларга экспорт қилинаётган автомобиллар мана шу завод мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилмоқда. Корея билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу завод Американинг General Motors корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйгандан сўнг мазкур соҳа равнақида яна ҳам малакали мутахассисларга эҳтиёж сезилди. Пировардида марҳум Президентимиз ташаббуслари билан юқори малакали мутахассисларни узимизда тайёрлаб берадиган университет Италия билан ҳамкорликда очилди, бошимизга Хумо қуши кўниб бизга ушбу олийгоҳда ўқиш насиб қилди. Бунинг учун Биринчи Президентимизга

миннатдорчилик билдирамиз ва қалбимизда улкан қайғу шунингдек ифтихор билан уларга муносиб фарзанд булишга Ватан равнақиға оз булса-да ўз ҳиссамизни қўшишга ваъда берамиз.

Зеро, Ватан келажағи ёшлар қўлида. Президентимиз мана шуни чуқур ўйлаб биз ёшларга улкан имконият эшикларини очиб бердилар.

Булардан самарали фойдаланган ҳолда, мен Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетининг II босқич “Саноат-қурилиши ва архитектураси” факультети талабаси таълим жараёни якунига етгандан сўнг архитектура ва қурилиш соҳасида фаолият юритишни мақсад қилганман. Ўзбекистон ишлаб чиқариш ва саноат соҳасини ривожлантираётган бир пайтда завод ва саноат қорхоналарини лойиҳалаштириш, лойиҳалаштиришда қулай меҳнат шароитини яратиш ҳамда умумжаҳон стандартларига мос равишда бунёд этилишига масъулият билан ёндашиб, университетда олган билимларимизни амалиётга тадбиқ этишни олий саодат деб биламан.

**Гулнозахон Тўхтахонова**  
**Университет II босқич талабаси**